ЮЛДУЗЛАР АРО ҚУЁШДАЙ ЧАРАҚЛАБ ТУРГАН СИЙМО

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди.

Ислом КАРИМОВ.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 19 октябрь Шанба. № 75 (14373)

ТИКЛАНГАН ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ

Мустақиллигимиз шарофати билан елкамизга офтоб тегди. Ўзлигимизни, не буюк зотларнинг вориси эканлигимизни, теран тарихимизни англай бошладик. Бой маданий меросимиз халқ мулкига айланмоқда. Миллий қадриятларимиз кўнглимиз уйини, онгу шууримизни чироғ янглиғ ёритиб турибди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси, айтиш лозимки, жасорати билан соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик муборак санасини нишонлаш тўғрисида Фармон чиқарилиши, 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши бу борадаги хайрли ишларнинг юксак лўқтаси — гултожи бўлди. Яхшининг шарофати билан деганларидек, юбилей боис мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Мана, орзиқиб кутилган дамлар — улуғ тўй кунлари етиб келди. Ҳар бир ватандошимиз тилида буюк бобокалонимизнинг азиз номи такрор-такрор зикр этилмоқда. Шу кунларда бобомизнинг авлодлар эъзози ва эҳтиромидан шод ва миннатдор руҳи юртимиз бўйлаб кезиб юрган бўлса, не ажаб...

ТОШКЕНТ

Соҳибқирон юбилейи қутлуғ маросим — пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиши билан бошланди.

18 октябрь — муборак жумъа тонги. Музей ҳовлиси Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган жамоатчилик вакиллари, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум.

Маросимга Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, Муфти Мухтор Ҳожи Абдуллаев фотиҳаси билан хайр-эҳсон учун келтирилган қўйлар сўйилиб, шаҳримиздаги меҳрибонлик уйларига — болаларга инъом этилди. Бу халқимизнинг қадимий саховатпешалик анъаналари давом этиб келаётганидан далолатдир.

Соҳибқирон доимо олиму уламоларга, дин пешволарига, фозилу ижод аҳлига беқиёс ҳурмат кўрсатган. Масжиду мадрасалар қурдирган. Амир Темур руҳларига бағишлаб Қуръони каримдан оятлар ўқилиб, дуои фотиҳа қилинади. Удумларимизга биноан меҳмонларга ош тортилади, мумтоз қўшиқлар ижро этилади.

Карнай-сурнай садолари музей очилишига бағишланган тантанали маросим бошланишидан дарак беради.

Темурийлар тарихи давлат музейининг очилишига бағишланган тантанали митингни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов очди. Узбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари муҳташам музейнинг қисқа вақтда қуриб битказилгани ва осори-атиқалар билан тўлдирилгани буюк бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа эканини таъкидлади.

Юртбошимиз алвон лентани қирқади. Музей очиқ деб эълон қилинади.

Президент Ислом Каримов ва республика ҳукумати аъзолари музей экспонатлари билан танишдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи жаҳон андозалари талабига мос даражада ниҳоятда тезкорлик билан ишга туширилди. Бу иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этади. Музей қурилишида бутун республикамиздан мутаҳассислар қатнашди. Асосий қурилиш материаллари вилоятларимиздан келтирилди. Бунёдкорлик ишларини бажаришда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси қурувчилари, Тошкент чинни ва керамика, «Миконд» заводлари, «Усто» корхонаси, Югославиянинг «Торевик» фирмаси ва бошқа унлаб меҳнат жамоаларининг фидойилари муносиб ҳисса қўшдилар. Зумрад рангида товланиб турган улкан гумбазни эса Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамияти мутахассислари тайёрлаб берди. Натижада буюк бунёдкор, илм-фан, санъат ҳомийси Амир Темур салтанатининг шукуҳига мос келадиган муаззам меъморчилик асари бунёд этилди.

Шундан сўнг Президентимиз Амир Темур хиёбонидаги соҳибқирон хайкали пойига гул қўяди.

Маросимларда Узбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Уткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари иштирок этдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи очилишига бақишланган тантаналар кун буйи давом этди. Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг музей билан танишуви бошланди.

САМАРҚАНД

Бу кўҳна шаҳар ва Амир Темур номи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, буюк марказлашган давлат барпо этган соҳибқирон уни ўз мамлакатининг пойтахти қилган, унинг довруғини бутун дунёга таратган эди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган асосий тантаналарнинг бу ерда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Шу кунларда Самарқанд ўзгача шукуҳ ва гўзаллик касб этган. Шаҳар жамоатчилиги буюк бобокалонимиз тўйига пухта тайёргарлик кўрди. Ўнлаб тарихий обидалар таъмирланди, соҳибқирон номи билан боғлиқ қадамжолар обод қилинди, янги иншоотлар қурилди.

Бугун республика Президенти Ислом Каримов Самарқанд шаҳрига келди.

Шаҳар аэропортида Президент Ислом Каримовни вилоят ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Машиналар кортежи шаҳарнинг юбилей арафасида бунёд этилган Амир Темур майдони сари йўл олади. Майдон байрамона безатилган. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги ҳамда Самарқанд шаҳрининг Амир Темур ордени билан мукофотланишини қутловчи алвонлар хилпираб турибди. Майдонга шаҳар меҳнат жамоалари, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказлар вакиллари ҳамда вилоятнинг барча туманларидан келган меҳмонлар йиғилган.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамкорлик қилувчи кишилар майдонга кириб келадилар. Улар Амир Темур ҳайкали томон йўл оладилар. Президент рамзий лентани қирқади. Йиғилганлар кўз ўнгида муҳаффар Амир Темурнинг салобат тўкиб тахтда ўтирган сиймоси намоён бўлади. Узбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов ҳайкал пойига гулчамбар қўяди. Самарқанд вилояти, шаҳри ҳокимликлари ва меҳнат жамоалари вакиллари ҳам буюк бобокалонимизга ҳурмат бажо келтириб, ҳайкал пойига гуллар қўядилар.

Қутлуғ тўй арафасида республика Президенти Ислом Каримов Фармонига кўра Самарқанд шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. Бу ерда ана шу юксак мукофотни топшириш бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Уни Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев очди.

Митингда юртбошимиз нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Самарқанд аҳлини юксак мукофот билан қутлаб, соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли Амир Темур ордени топширилиши рамзий маънога эга бўлган тарихий воқеа эканлигини таъкидлади ва ушбу унутилмас кун — 18 октябрни «Самарқанд куни» деб эълон қилиш таклифини айтди. Таклифни йиғилганлар қарсаклар билан маъқулладилар.

Майдонга Самарқанд шаҳри байроғи олиб кирилади. Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида Ислом Каримов унга Амир Темур орденини қадаб қўяди.

Митингда сўзга чиққанлар Самарқанднинг юксак орден билан мукофотланиши шаҳарнинг ватанимиз тарихида тутган беқиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи эканини мамнунлик билан қайд этдилар. Орадан олти аср ўтиб Амир Темур ўз пойтахтига қайтганини, мустақил Узбекистонимизда янги уйғониш даври кечаётганини таъкидлаб, маданият ва маънавиятни юксалтириш, тарихий қадриятларни тиклаш борасида қилинаётган ишлар ҳамда эътибор ва ғамхўрлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Соҳибқирон хайкали очилиши ҳамда шаҳарга Амир Темур ордени топширилишига бағишланган анжуман билан Самарқандда буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.

Байрам шодиёналари, сайллари давом этмоқда.

ШАҲРИСАБЗ

Муборак юртимизнинг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Шаҳрисабз соҳибқирон Амир Темурнинг болалиги кечган, унинг илк зафарларига, қувонч ва ташвишларига гувоҳ маскандир. Бу қадимий шаҳар Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб шеърият, фан дарғалари, давлат арбоблари фаолиятига ҳам даҳлдордир. Бироқ, юртимизнинг, унинг гўзал гўшаларидан бири бўлмиш Шаҳрисабзнинг довруғини оламга ёйишда, ватанимиз ободончилиги, маданияти ривожида соҳибқирон Амир Темурнинг ҳиссаси ғоят беқиёсдир.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни Шаҳрисабзга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов, Шаҳрисабз шаҳри ҳокими А. Зайниддинов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Автомашиналар карвони қадимий шаҳарнинг «Буюк ипак йўли» кўчаси бўйлаб Амир Темур номидаги майдон сари йўл олади.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар байрамона безатилган майдонга кириб келади. Майдоннинг қадим Оқсарой рўпарасидаги марказида Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали ўрнатилган. Куксингни ғурурга тўлдирувчи Узбекистон маданияти оҳанглари остида Президент Ислом Каримов алвон лентани қирқиб, соҳибқирон ҳайкалини очади.

Амир Темур ҳайкали пойига Президент Ислом Каримов гулчамбар қўяди.

Шундан сўнг майдонда Шаҳрисабз шаҳрига «Амир Темур» ордени топширилишига бағишланган митинг бошланди. Митингни Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов очди.

Митингда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади ва Шаҳрисабз шаҳри байроғига юксак орденни қадаб қўйди.

Сўзга чиққанлар Узбекистон Президентига тарихий анъаналарни, миллий маданиятни тиклаш, боболаримиз номини улуғлаш борасида амалга ошираётган ишлари учун миннатдорлик билдирдилар. Соҳибқирон таваллуд топган юрт бўйлаб тантаналар ва халқ сайли бошланди.

* * *

Президент Ислом Каримовга Самарқанд ва Шаҳрисабз сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Шаҳрисабздан Тошкентга қайтиб келди.

Аҳмад ХЎЖА,
Амиркул КАРИМОВ,
Шуҳрат УМИРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ

21 октябрь куни Тошкентда туркий тилли давлатлар — Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманистон ва Узбекистон раҳбарларининг учрашуви бўлади.

Бу олий даражадаги тўртинчи учрашувдир. Бундан илгари Анқара, Истамбул ва Бишкек шаҳарларида шундай мулоқотлар бўлиб ўтган эди. Ўтган йили август ойида Қирғизистон пойтахтида олти туркий давлат раҳбари навбатдаги учрашувни Тошкентда ўтказишга қарор қилган эди.

Бу сафар асосий эътибор гуманитар соҳа, фан ва маданият борасида ҳамкорлик қилишга қаратилади. Шунингдек, иқтисодиёт, транспорт, савдо, масалалари муҳокама қилинади. Мулоқот якунида Тошкент декларацияси қабул қилиш назарда тутилган. Шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган ишчи гуруҳларининг йиғилишида олий даражадаги тўртинчи учрашувни буюк давлат арбоби Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи кунларида ўтказишга келишиб олинган эди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

«Камолот» ташаббуси

ШАҲРИСАБЗДА «БИЗНЕС—ИНКУБАТОР»

Шаҳрисабз байрамона безатилган. Бу табаррук шаҳарга дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар келмоқда. Мақсад улуғ бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан унинг қадамжоларини зиёрат қилиш. Катта байрам арафасида Шаҳрисабзда Узбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан «Бизнес—инкубатор»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Йиғилишни «Камолот» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Б. Юсупов очди. Вилоят ҳокими О. Пармонов сўзга чиқиб шундай деди: «Бизнес — инкубатор» ёшларнинг билими, фанда эришган ютуқларини ҳаётга тадбиқ этишида бевосита ёрдам бериш, шароитлар яратиш каби муаммоларни ҳал қилади.

Маросимда сўзга чиққан «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдураимов «Бизнес — инкубатор»нинг қутлуғ кунларда Шаҳрисабзда очилиши ўзига хос рамзий маъно касб этади, бу буюк давлат ўтмиши ва мустақил Узбекистон тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги нишонасидир» дея қайд этди.

***

Ушбу тадбир ҳақида қисқача шарҳ бериш учун мухбиримиз жамғарма бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимовга мурожаат қилди.

— Олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш жараёнида жамият, халқ, қолаверса, ёшларга фойдали бўлган ишларни рўёбга чиқармоғимиз керак. Республикамизнинг қўпгина жойларида фаолият кўрсатаётган «Бизнес — инкубатор»нинг «Камолот» ташаббуси билан қишлоқ ҳудудида ташкил қилинишининг боиси бор, албатта.

Президентимиз Ислом Каримов бир қатор вилоятларга қилган сафарида ҳам қишлоқда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш кераклигини таъкидлади. Биз қишлоқ ҳудудида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватловчи инфраструктура яратиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги замонавий технологияларни жорий этиш билан бирга қишлоқ ёшларини иш билан таъминланишига эришамиз.

— «Бизнес — инкубатор» ҳозир йўл бошида турибди. Унинг фаолиятини яхши йўлга қўйиб юбориш ва кўзланган натижаларга эришиш учун асосан нималарга эътиборни қаратмоқ зарур?

— «Камолот» «Бизнес — инкубатор» лойиҳасини инновацион технологик ва ташкилий томонлари — қурилиш ишлари олиб бориш, зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар, бир сўз билан айтганда моддий томондан қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олган. Қишлоқ жойларда тадбиркорликни, жумладан, «Бизнес-инкубатор» ишини ривожлантириш учун кучли мутахассислар, олимлар, тажрибали ихтисосчиларни жалб қилиб, уларнинг бевосита иш жойларида ёрдам кўрсатишларини таъминлашга эътиборни қаратмоқ керак.

— Ташаббуснинг қаноти кенг дейишади.

— Дарҳақиқат, биз ҳозир фақат Шаҳрисабзда эмас, балки вилоятнинг бошқа туманларида ҳам «Бизнес-инкубатор» очишни режалаштирмоқдамиз. Қишлоқ жойларида янги йилгача 20 та, март ойига бориб 30 та фирмалар тузиш мўлжалланмоқда. Кейинчалик бу ташаббусни республикамиз бўйлаб кенг ёйишни мақсад қилиб қўйдик.

— «Камолот»нинг ушбу хайрли иши...

— Йўқ, биз қилган ҳар бир меҳнатимизни «хайрли иш» деб таъкидлайвермасдан, биринчи навбатдаги вазифамиз деб қарамоғимиз керак.

Қишлоқ ҳаётини яхшилашда, юртимизда иқтисодий ислоҳотларни тараққий эттиришда иқтисодий, ҳуқуқий нуқтаи назардан олиб қараганда «Бизнес — инкубатор»лар структураси жуда муҳим. Бу ишларнинг бари эса «Камолот» жамғармаси олдига қўйган мақсадлари ва ўз дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Туркистон» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!

Бугунги муборак жумъа тонгида Оллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, унинг таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас Ислом динимиз буюрган бир фарзни — ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиш маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб, дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — қўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлгусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлгай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўг қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугунги ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини ҳаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини «Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат» деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига — чиғатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, суғориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноқсиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қуритган эди.

Бу каби ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан

СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танти, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб авваламбор ғузал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намоёндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Ҳусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донгини тараттан зот, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу муқтабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам ҳоки поклари билан мукаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азизавлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «Илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ туйини ўтказаётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ бобосига хос ғузал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва муқтабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор. Жаннатмакон Амир Темур бобомиз бу кошона пештоқига шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: «Кимки бизнинг шон-шуҳрамизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин».

Бу қўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бўзган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: «Қай бир жойдан бир ғишт олсам ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: «Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла қўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Карами улуғ оллоҳ халқимизга, ватанимизга шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизга Амир Темурдек буюк Соҳибқиронни берибди. Бунинг учун яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолгусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд қўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур хилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк Соҳибқироннинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояга етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

СОҲИБҚИРОН ЭЛЧИЛАРИ

Кастилия (Испания) ва Леон қироли Генрих III 1402 йили баҳорда Амир Темурнинг Қорабоғдаги қароргоҳига Соҳибқирон билан Боязид Йилдирим ўртасидаги муносабатларнинг ҳақиқий хабарларини билиш учун Дон Пойо Гомез де Сотомайор ва Хернан Санчес де Палазуелос исмли икки элчисини Амир Темур ҳузурига жўнатади. Соҳибқирон уларни илиқ кутиб олган ва совға-саломлар билан ўз юртларига жўнатган.

Ғарб тарихчиларининг маълумот беришича, Генри III дастлаб юқоридаги элчиларни Боязид Йилдирим ҳузурига юборган. Боязид уларни ўзи билан уруш майдонига олиб боришга розилик берган. Уруш Боязидхон мағлубияти билан тугаган, асир тушганлар орасида эса ўша элчилар ҳам бўлган. Соҳибқирон элчиларни 1402 йил 20 июлдан кейин, яъни уруш тамом бўлгандан сўнг қабул қилган. Элчилар қачон қабул қилинганликларидан қатъий назар, Соҳибқирон уларга жуда яхши муносабатда бўлгани, совға-саломлар билан сийлагани, зеб-зийнат, заргарлик буюмлари билан овруполик икки соҳибжамол қизни ҳам улар қўлига топширгани ҳақидаги маълумотларни барча тарихий манбалар тасдиқлайди.

Элчиларни совға-салом билан сийлаш анъанаси қадимда ҳам, Соҳибқирон даврида ҳам, ҳозир ҳам яхши анъана! Аммо соҳибқирон ўша икки қизни нега Генри III ихтиёрига юборди? Бу икки соҳибжамол кимлар эди? Аёнки, Никополис (Болгария) яқинидаги жангда Боязид жуда кўп овруполикларни асирга олган эди. Асирлар ичида аёллар ҳам бор эди. Бу асираларнинг кўпчилиги Боязидхон ҳарамида сақланган. Ўша машҳур Анқара ёнидаги жангда Боязидхон енгилгандан сўнг унинг ҳарамидаги асиралар ҳам озод этилади.

Испания элчилари орқали Генри III ҳузурига юборилган бу қизларнинг бири — Марина исмли қиз бўлиб, у Каунт Иоаннинг қизи, Венеция қиролининг набираси эди. Иккинчи қизнинг исми Ангелина бўлиб, унинг ота-оналари юнон зодагонларидан бўлган. Ҳар икки қиз элчилар қумагида ҳаётда ўз бахтларини топишган.

Амир Темурнинг Қорабоғдаги қароргоҳига келган элчи Дон Пайо Гомес де Сотомайор Маринага ўйланган. Ўша давр испан адабиёти бу икки қиз ҳақида муфассал маълумотлар беради: Испания томон кетаётган ўша элчилар йўлда Ходар шаҳрида тўхтайдилар. Ходар ва Карпио шаҳарлари ҳокими элчи Сотомайорнинг жияни эди. У тоғаси ва ҳамроҳларини жуда яхши кутиб олади. Қизларга Ходардаги фаввора ёнига иккита алоҳида чодир тикиб беришади. Йўлдаги чарчоқлари чиқиб, ясан-тусан қилиб олган қизлар ҳусни-жамоли янада очилиб кетади. Элчи Сотомайор ғузал Маринага ошиқ бўлиб, ўша фаввора ёнида унга ўз муҳаббатини изҳор қилади. Бу ошиқ-маъшуқлар муҳаббатига Испания элчиларига қўшиб жўнатилган Амир Темурнинг элчиси ҳам гувоҳ бўлади. Марина ҳақида ёзилган испан балладаларининг бирида шундай сатрлар бор:

Ходар (шаҳар) фаввораси ёнида,
Шаҳло кўзли гўзални кўрдим мен.
Ҳатто бир соат ҳам чидай олмасдан
У (кўзлар) ўқидан қурбон бўлдим мен...

(Инглизчадан Хайрулло Исматулло таржимаси)

Соҳибқирон озод қилган юнон қизи Ангелина Испаниянинг Севил шаҳрида Дон Диего Гонзалес де Контрерас исмли кишига турмушга чиқади. Арготе де Молина «Андалусия зодагонлари тарихи» асарида бу қиз ҳақида ҳам маълумот беради.

Кастилия (Испания) ва Леон қироли Генри III 1403 йили Гонзалес Руи де Клавихо бошчилигида иккинчи элчиликни Самарқандга юборади. Элчилар денгиз орқали Константинополь (Истанбул)га, у ердан Трабзунга, сўнг қуруқлик орқали Эронни кесиб ўтиб Балхга, Амударёдан кечиб, Термиз ва Кеш (Шаҳрисабз) орқали 1404 йил сентябрда Самарқандга етиб келишади. Амир Темур Испания элчиларига катта иззат-ҳурмат кўрсатади. Бу тўғрисида Клавихонинг «Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат» (1403-1404 йиллар), кундалигида кенг маълумотлар берилган.

Амир Темурнинг Овруполо мамлакатлари элчиларига яхши муносабатда бўлганлиги ҳақида Клавихо шундай ёзган эди: «Ўғлим, қиролнинг аҳволи қандай? Унинг ишлари жойидами, соғ-саломатми?», деб сўради. Элчилар унинг саволларига ўз элчиликлари ҳақида тўла тушунча бердилар. Подшоҳ элчиларнинг мулдаоларини муфассал тинглади. Шундан сўнг подшоҳ оёқ тарафида ўтирган ясовулларга, Татаристоннинг собиқ ҳукмдори Тўхтамишнинг ўғлига, Самарқанд шаҳзодаларидан бирига ва аслзодалардан иборат бўлган бошқа кишиларга мурожаат қилиб, деди: «Мана — дунёнинг у бурчида яшовчи фаранг қироллари орасидаги энг пешқадами, менинг ўғлим — Испания қироли юборган элчилар. Испан халқи ақиқатан буюк халқ, мен ўғлим Қиролни дуо қиламан. Қирол сизларни ҳеч бир совғасиз, фақат мактуб билангина юборганида ҳам мен ўғлимнинг аҳволи ва соғлигини билиб, совға олгандай хурсанд бўлар эдим»...

Подшоҳнинг набираси қиролнинг мактубини қўлида баланд кўтариб бобоси қаршисида туради. Дания магистри Қирол юборган мактубни ундан бошқа ҳеч ким ўқийолмаслигини, подшоҳ қачон лозим кўрсалар, ўша он унга ўқиб беришни тилмоч орқали билдирди. Подшоҳ мактубни набирасининг қўлидан олиб, уни очиб қўриб: «Агар мен мактубни ҳозир эшитишни хоҳласамчи» деди. Дания магистри: «Ҳазрат олийлари қачон лозим кўрсалар, мен доим хизматларига тайёрман», — деди. Подшоҳ кейинроқ уни ўз ҳузурига таклиф этиб, дам олиш пайтида иккалалари ёлғиз хонада ўқиб эшитиб, нималар қилиш зарурлигини билдирибди...

Шундан сўнг элчиларни тўғизиб, Подшоҳнинг ўнг тарафидаги супага ўлтиришга таклиф этдилар. Мирзалар элчиларни бошлаб бориб, Хитой подшоси элчиларидан қўйига ўтказишди. Хитой ҳукмдори Темурбекдан ҳар йили тўланадиган божни талаб қилиб элчилар юборган эди. Подшоҳ испаниялик ва бобиллик элчилар Хитой элчиларидан пастроқда ўлтирганини кўргач, уларни олдинга ўтказишни буюрди. Биз подшоҳ кўрсатган ўринга ўтиб ўтирганимиздан сўнг мирзо Хитой элчиси ёнига келиб: «Подшоҳ ўз ўғли ва дўсти Испания Қироли элчиси юқорига, сиз — Подшоҳнинг разил душмани ва қароқчининг элчисини эса улардан қўйига ўлтирсин, деб буюрди», деди. Шунингдек, мирза Хитой элчисига бундай талаб билан бу юртларга иккинчи бор қадам босмаслиги учун, худо хоҳласа, уни подшоҳ тез орада осиб ўлдирмоқчи эканини айтди... «Бундан буён подшоҳ ҳузурида ўюштирлган барча базм ва сайилларда элчилар шу тартибда ўлтиришлари лозим», деб тайинлади, подшоҳ. Шундан кейин подшоҳ элчилар шарафига қандай тадбирлар белгиланаётганини тилмоч орқали тушунтирди. Мазкур Хитой подшосининг номи Чуйсхон бўлиб «тўққиз подшоликнинг шаҳаншоҳи», деган маънони англатади. Чиғатойликлар уни масхаралаб тунгизхон деб атар эдилар. У кенг ҳудудга эга бўлиб, Темурбек унга бож тўлаб турарди. Эндиликда у бож тўлашдан бош тортган эди...

Клавихо ёзишича, Соҳибқирон Испания элчиларини қабул қилгандаги биринчи сўзлари шундай бўлган: «Менинг ўғлим сеньор Қиролнинг аҳволлари, соғлиқлари қалай... Менинг ўғлим, дунёнинг нариги чеккасида яшовчи франк қироллари орасидаги энг улуғи. Испания Қироли юборган мана бу элчиларга қаранглар... Мен ўғлим — Испания Қиролини дуо қиламан». Бу ўринда Соҳибқирон франк қиролининг энг улуғини «ўғлим», яъни «қиролим, хизматкорим» деб атайдики, бундан, Султон Боязиддан Оврупони озод қилишни асосий мақсад қилиб қўймагани аён бўлади.

Хуллас, Амир Темур ҳазратларининг «яшиндек тез ва шиддаткор» Йилдирим Боязид устидан ғалаба қозонганидан сўнг Византия, Венеция, Генуя, Испания-Кастилия, Франция, Англия билан ўзаро ҳамкорлик ва савдо-бозор муносабатларини янада кучайтирганини Оврупо мамлакатлари ҳукмдорлари Амир Темурни машҳур саркарда ва одил подшоҳ сифатида таниганларини ана шу мезон билан баҳоламоқ лозимдир.

Испания (Кастилия) ва Леон қироллари элчиси Руи Гонзалес Клавихо ва бошқа овруполик элчиларнинг Самарқандга ташрифи ва уларнинг тантанали қабул қилиниши Самарқанд билан Оврупо мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, қолаверса, Хитойдан Атлантика океанигача бўлган савдо йўлининг назоратини қўлга олиш борасида Соҳибқирон бош мақсадини амалга ошириш учун олиб борган сайъ-ҳаракатлари ҳосиласи эди...

Амир Темурнинг Хитойга юриши муносабати билан бошқа қўшгина давлатлар элчилари ҳам 1404 йил 21 ноябрида Самарқандан ўз юртларига жўнатиб юборилади... Амир Темур салтанатининг парчаланиши билан Ғарбий овруполо давлатлари билан ўрнатилган савдо ва элчилик алоқалари аста-секин сусайиб, кейинчалик бутунлай барҳам топди. Бу эса мамлакатимизнинг жаҳон бозоридан бир қадар ажралиб, кейинчалик Россия мустамлакачилиги асоратига тушиб қолиб, дунё халқларининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётидан четда қолишига сабаб бўлди...

Амир Темурнинг Овруполо ҳукмдори билан элчилик алоқаларини, ёзишмалари алоҳида тадқиқот мавзусидир. Айниқса, Париж ва Лондон кутубхоналарида, ҳар хил қўлёзма китобларда сақланиб келинаётган Амир Темур ва темурийларнинг Овруполо ҳукмдорлари билан жуда кўп ёзишмаларини битта-битталаб териб олиш, бир ерга тўплаш ва чуқур тадқиқ этиш вақти аллақачон етган. Бу борада Француз тарихчиларидан бири Флассанинг «Фарангистон давлати ташкил топгандан бошлаб то қирол Людовик XVI ҳукмдорлик қилган даврга қадар француз дипломатияси тарихи» (1811), Сильвестр де Сасининг «Амир Темур ва Кард VI ўртасидаги ёзишмалар тарихи хусусида» (1822) тадқиқотларини ўрганиш ҳам катта фойда беради.

Соҳибқирон Овруполо иқлимида катта ҳурмат-эътибор қозонишида француз, инглиз, олмон ва бошқа ғарб муҳаррирлари ва қаламкашларининг хизматлари беқиёсдир... Узбекистон мустақиллик шароитида Ғарб давлатлари, хусусан Франция, Англия, Олмония ва бошқа давлатлар билан сиёсий-иқтисодий, дўстлик-маданий алоқалар ўрнатилгани, элчиликлар ишлаб тўрганини Амир Темур ҳазратлари анъаналарининг бевосита давомидир. Энди овруполик дўстларимизнинг соҳибқирон ҳақидаги асарларини таржима қилиш, тадқиқ этиш фарзандлик бурчимиздир.

Ғуломхон ҒАФУР

АМИРИ ТУРКИСТОНМИЗ



нинг мардлигу-мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан 27 подшоҳликнинг тахтини эгалладим».

Амир Темур қўшинида интизом, жасорат ва ватанга содиқлик энг юқори чуққига кўтарилган эди.

Хуллас, давлат тизимининг такомиллаштирилиши, марказлаштирилиши ва қудратли қўшиннинг ташкил топиши орқасида жаҳон андозасидаги Амир Темур давлати юзага келди. Тарихан қисқа вақт ичида «Бойўғлилар сайёраётган» мамлакатда жаҳонни ларзага солган қудратли давлатнинг ташкил топиши сиртдан қараганда афсонага ўхшаб кетади. Аммо, бу чинакам ҳақиқат бўлиб, у Амир Темурнинг ва халқ оммасининг якдиллигининг, ватанпарварлигининг маҳсули эди.

ИККИНЧИДАН. Иқтисодий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар кўзга ташланди. Соҳибқирон босқинчилар даврида издан чиқиб, оғир аҳволга тушиб қолган шароитдан тезроқ қутилиш чораларини амалга ошириб борди. Биринчи навбатда деҳқончиликни ривожлантиришга киришилиб, барча ерларда суғориш ишларини ривожлантириб, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида аҳамият берди. Камбағал деҳқонлар хўжалигини кўтариш учун маълум муддатга солиқлардан озод қилинди ҳамда давлат томонидан моддий ёрдам бериб турилди. Шунингдек, ҳунармандчилик кенг қулоч ёйиб, ички ва танинг ишлаб чиқарилди. Ҳатто ҳунармандчилик маҳсулотларининг кўргазмаси уюштирилиб турилди.

Манбада кўрсатилишича, «Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин агар унда бир фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди.»

Амир Темур ички ва ташқи савдони мисли кўрилмаган даражада ривожлантириб, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Арабистон, Хитой, Олтин Урда ва бошқа мамлакатлар билан яқиндан алоқа ўрнатди. Карвон йўллари хавфсизлиги тўла таъминланиб савдогарлар ва сайёҳлар учун манзилгоҳлар қурилди.

УЧИНЧИДАН. Сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар маънавий ҳаётнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратди. Бунда Соҳибқирон ўзининг бой билими ва идроки, фан маданиятнинг аҳамиятини яхши англаши муҳим ўрин эгаллади. У бу соҳада ташаббусчи ва илҳомлантирувчи куч сифатида намоён бўлди.

Натижада пойтахт Самарқандда ва империянинг бошқа жойларида фан ва маданиятнинг турли соҳалари ривожланиб, маънавий ҳаёт бойитилди. Мамлакатда санъат соҳалари ҳам ривожланганлиги маълумдир. Хусусан, меъморчилик, рассомчилик, мусиқа ва ашула тармоқлари ўсди.

«Амир Темур, дейилади манбада, жойларни бўздириб, у бўстонларнинг ҳар бири ичида бир қаср қурдирди. Бу қасрнинг ҳар бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли шаклларда — бирида қулиб турган, иккинчисида қаҳрланиб турган, ўзи қилган жанглар тасвирларини, расмий тантаналардаги суратларни, подшоҳлар, амирлар, сайидлар, уламолар ва улуғлар билан суҳбат қурган мажлисларни, сўнгларнинг унинг ҳузурида қўл қовуштириб туришларини, хизмат юзасидан бошқа мамлакатлардан ҳузурига келган подшоҳу султонларининг вакилларини... Ҳинд, Дашти Қипчоқ, ҳам Ажам жанглари-ю ўз зафарлари суратини, душманларининг қай аҳволда енгилиб қочганини, ўз авлодлари, набиралари, амирлари, қўшинлари суратларини... Ўз улфати қўшиқчиларининг, турли мақомдаги ғазалхонлик қуйчиликларининг, никоҳида поки хонимларнинг ва бўлардан бошқа, унинг бир-бирига ўхшаб, уланиб кетган, унинг бутун умри мобайнида ўзга мамлакатларда воқеа бўлган ҳодисалар суратларини тасвирлайди».

Мазкур сатрлардан аёнки, Соҳибқирон халқда ўз-ўзини англашни, миллий ҳис-туйғуларини, ғурурланиш ва фахрланиш сингари олий фазилатларни рифожлантиришни муқаддас бурч, деб билган. Баён қилинган катта ишларнинг ҳажми Самарқандда рассомлар уюшмаси ташкил топганлигидан далолат беради.

Амир Темур даврида оёқости қилинган ислом дини ривожлантирилди. Кўплаб мачитлар ва мадрасалар қурилди. Самарқандда ноёб китобларни ўз ичига олган катта кутубхона юзага келди.

Айни пайтда ҳаҳаматли бинолар қурилиб, уларда юксак қурилиш ва меъморчилик намуналари ўз ифодасини топди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Маълумки, бизда ҳамма нарсани халқ қилади, деган нақл юради. Буни инкор қилиш нотўғридир, албатта. Аммо халқнинг ҳоҳиши, иродаси ва ҳураши ақл-идроклы, билимдон, жасоратли ва тадбиркор шахс томонидан бошқарилгандагина қутилган натижага эришиш мумкин бўлади. Бунга мисоллар тарихимизда кўп топилади. Шу боис мен жамият ҳаётида бош рақбарнинг ҳал қилувчи куч сифатида баҳолайман. Жуда узоқлашмай Амир Темур фаолиятига назар ташлайлик. У то дунёга келиб, вояга етгунча, яъни 150 йил мобайнида мамлакатда том маънодаги сардор бўлмаганлиги орқасида мустақиллик тикланмади. Амир Темур эса буни амалга оширди. Унинг ўлимидан кейин 400 йилдан ортиқ вақт ичида 3 та хонликларни бирлаштириб марказлашган ва қудратли давлатни тузишга қодир ҳукмдор топилмади. Амир Темур тарихда камдан-кам учрайдиган, яъни 500-1000 йилда дунёга бир марта келадиган ноёб истеъдод соҳибидир. У ақлидрок, фаросат, жасорат, тадбиркор, шижоат, ҳалоллик, сахий, шавкатли, халқпарвар ва бошқа олий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган эди. Амир Темур ёшлик чоғида ҳам тенгқурларининг орасида одамларни бир-бирларига қовуштириш, таъсирини ўтказиш ва ташкилотчилик қобилияти билан обру-эътиборга сазовор бўлган. У кишиларга нисбатан хушмуомалада бўлиб, меҳрибончилик ва ғамхўрлик кўрсатган. Айни пайтда ўз лабзида қаттиқ турадиган, ўзгаларнинг дардига малҳам бўладиган ва камбағалпарвар бўлган. Унинг ўзи кучли шахс бўлганлиги учун рақобатдан қўрқмай, атрофига мустақил фикр юритадиган жасоратли ва билимдон кишиларни жипслаштирди. Иккиюзламачи кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмади.

Амир Темурни ўзи юксак одоб-ахлоқли ва билимдон бўлганлиги туфайли зиёлилар ва дин пешволарининг маслаҳатлари билан давлатни бошқарди. «Темур, — дейилган манбада, — олимларга меҳрибон бўлиб саййидлу-шарифларни ўзига яқин тутиб турарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддас тутарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз иккрому-ҳурматини унга изҳор этарди... улар билан мазмунли баҳс ҳам юритарди. Ўз фикрини пешлаш мақсадида мутассид шатранж (шахмат) ўйнарди. Амир Темур тарих китобларини, ҳикоя ва қиссаларни зўр иштиқ билан ўқиган. У шу даражада уларни яхши ўзлаштиригани эдики, агар ўқиётган киши бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб саволга солар эди».

Амир Темур забардаст ҳукмдор бўлишига қарамай ўзини ҳамиша камтарин тутиб, дилозорлик ва манманликдан жуда узоқ бўлган. У ҳамиша адолатни, андиша ва уятни қаттиқ ушлаган.

Амир Темурнинг олий фазилатларидан бири шундан иборатки, у аёлларга нисбатан иззат-икром кўрсатиб, қадри қимматини ўрнига қўйди. Кенгашларда ва элчиларнинг қабул маросимларида аёллар соҳибқирон тахтининг бир томонига ўтказилган. Ҳатто Бибихонимни элчиларга зиёфат уюштиргани ва суҳбатлашгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Хуллас, «Темур, деб ёзади Ибн Арабшоҳ, тенги йўқ фетъл-ворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва унинг тадбири тагига ва текислигу: на ғадир-будир орқали йўл топиларди». Ҳа, уни ҳақли равишда етти иқлимнинг жаҳонгири ва буюк империянинг асосчиси дейишган. Буюк тарихий шахс сифатида унинг қутлуғ номи мустақиллик шарофати ила кишилар қалбидан вулқон каби отилиб, порлоқ шуъласи ер-осмонни қоплади.

ХАМИД ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор

НЕЪМАТИ

ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИ КЎРКАМЛАШМОҚДА

Республикамиз шаҳарларининг жамоли кун сайин очилиб бормоқда. Кўркам бинолар, файзли ҳиёбонлар, серсавлат ёдгорлик ҳайкалларнинг барпо этилиши юртимиз ҳуснига ҳуси қўшиб бормоқда. Бунда Узбекистон меъморлар уюшмасининг ҳам ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Уюшма раиси, халқаро Меъморчилик академиясининг ҳақиқий аъзоси Феруз Ашрафий шундай ҳикоя қилади:

— Мустақиллигимизнинг олтинчи йилига дадил қадамлар қўйдик. Узгаришлар барча жабҳаларда яққол сезиляпти. Тарихимизни, маънавиятимизни англадик. Шаҳарларимиздаги ўзгаришлар-чи?..

Биласизми, давлатимиз сиёсати асосида инсон ҳақидаги ғамхўрлик мавжуд. Бу эса ўз ўрнида тинчлик, осойишталик, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ютуқлар билан белгиланади. Албатта халқни ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоялаш меъморчилик соҳасига ҳам таъсир этмай қолмайди. Меъмор халқи азалдан одамларга эзгулик улашувчи халқдир. Уларнинг меҳнати эса Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида ўз аксини топган. Буни пойтахтимиз мисолида кўрадиган бўлсак, ҳозирги Тошкент собиқ Иттифоқ давридагидан еру осмончалик фарқ қилади. Узбекона миллий анъаналаримиз асосида янги уйларнинг лойиҳаси яратилди. Бунёдкорлик, ободончилик борасида нафақат Тошкентда, балки Самарқанд, Наманган, Фарғона каби шаҳарларимизда катта ишлар амалга оширилди. Тезкор сўрғатлар билан Тошкентдаги транспорт тармоғи муаммолари ҳал этиляпти. Қийинчиликларга қарамай метро қурилиши давом этмоқда. Олой бозори яқинида Амир Темур рамида сақланган. Ўша машҳур Анқара ёнидаги жангда Боязидхон енгилгандан сўнг унинг ҳарамидаги асиралар ҳам озод этилади.

Испания элчилари орқали Генри III ҳузурига юборилган бу қизларнинг бири — Марина исмли қиз бўлиб, у Каунт Иоаннинг қизи, Венеция қиролининг набираси эди. Иккинчи қизнинг исми Ангелина бўлиб, унинг ота-оналари юнон зодагонларидан бўлган. Ҳар икки қиз элчилар қумагида ҳаётда ўз бахтларини топишган.

Амир Темурнинг Қорабоғдаги қароргоҳига келган элчи Дон Пайо Гомес де Сотомайор Маринага ўйланган. Ўша давр испан адабиёти бу икки қиз ҳақида муфассал маълумотлар беради: Испания томон кетаётган ўша элчилар йўлда Ходар шаҳрида тўхтайдилар. Ходар ва Карпио шаҳарлари ҳокими элчи Сотомайорнинг жияни эди. У тоғаси ва ҳамроҳларини жуда яхши кутиб олади. Қизларга Ходардаги фаввора ёнига иккита алоҳида чодир тикиб беришади. Йўлдаги чарчоқлари чиқиб, ясан-тусан қилиб олган қизлар ҳусни-жамоли янада очилиб кетади. Элчи Сотомайор ғузал Маринага ошиқ бўлиб, ўша фаввора ёнида унга ўз муҳаббатини изҳор қилади. Бу ошиқ-маъшуқлар муҳаббатига Испания элчиларига қўшиб жўнатилган Амир Темурнинг элчиси ҳам гувоҳ бўлади. Марина ҳақида ёзилган испан балладаларини-





ДАН огоҳлантиради

ЙЎЛЛАР ОҚ БЎЛСИН, ДОҒ БЎЛМАСИН

Бугунги кунда ҳаётимизни транспортсиз тасаввур этиш қийин. Кундан-кун кўчаларимиз серҳаракат, серқатнов бўлиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим масалани кўндаланг қўяди.

Таҳлилларга кўра, республикамизда ҳар куни 5 мингдан ортиқ йўл ҳаракати қоидабузарликлари юз беради.

Йўллар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, автоаварияларнинг олдини олиш бўйича қилинаётган тадбирларга қарамай, ҳамон кўнгилсиз воқеалар, оғир фожиалар юз бермоқда.

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида яшовчи Б. Расулов УАЗ-469 русумли, давлат рақами 11—88 СНА автомашинасида Пайшанба—Иштихон йўли 4-километрида рулни бошқара олмай, ағдарилиб кетади. Натижада уша жойда ҳалок бўлади.

Ҳозир пахта йиғим-терими вақти. Йўлларда пахта уюмлари ортилган қатор-қатор тиркамалар уланган тракторлар, пахта терими машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик уловлари ҳаракати қўпайган палла. Таҳлиллар қишлоқ хўжалигига тегишли транспортларда содир этилаётган йўл-транспорти ҳодисалари сони умумий автоаварияларнинг 10,3 фоизини, яъни ҳалок бўлганлар 9,1 фоизни, жароҳатланганлар 11,0 фоизни ташкил этаётганини кўрсатмоқда.

Бухоро вилояти Олот тумани Гулистон жамоа хўжалиги учинчи бригадаси ҳудудида МТЗ-80, давлат рақами 15—09 БВ трактори ҳайдовчиси Ю. Хўжаниёзов йўл четида кетаётган А. Тоировни уриб юборади. Яна бир мисол. Андижон вилояти Избоскан тумани Бобур жамоа хўжалиги ҳудудида Т—27х4 русумли, давлат рақами 42—16 АЮ тракторини бошқариб бораётган А. Каримов қарама-қарши йўналишда келаётган В. Абдураҳмоновни уриб кетади.

Бундай воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги учун энг қизғин, долзарб паллада жамоа хўжаликлари, трактор саройлари раҳбарлари қўл остидаги ҳайдовчиларга нисбатан талабчанликни кучайтиришлари лозим.

Асакалик 1988 йилда туғилган, Ахрор Матмусаев, Ҳасанбой Собиров бошқариб бораётган тракторнинг тиркамасига осилиб олади. Трактор орқага тисарилганда, силкиниш натижасида йиқилган бола трактор ғилдираклари остида қолиб кетади.

Яна бир ДАН ходимларини ташвишлантираётган масала, мотоцикл ҳайдовчилари томонидан содир этилаётган автоавариялардир. Нукус шаҳрида 1965 йилда туғилган А. Юнусметов давлат рақами бўлмаган мотоциклни Нукус шаҳар Никитин кўчаси бўйлаб бошқараётиб, рулни эплай олмай қолади. Ағдарилиши натижасида Юнусметов воқеа жойида ҳалок бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аксарият мотоцикл эгалари, айниқса ёшлар, пиёдаларнинг, транспортнинг қатнови камлигини ҳисобга олиб, катта тезликда учиш учун тунда мотоциклда йўлга чиқадилар. Иштихон туманида яшовчи Холбой Холбеков, тенгқури Холбой Исматовни мотоциклга миндириб М—67 русумли, давлат белгиси бўлмаган мотоциклда йўлга чиқади. Челак—Митан йўлининг 11-километрида катта тезлик билан ҳайдаш оқибатида рулни эплай олмай, олдинда ҳаракатланаётган Т—28, 53—22 СЗ тракторининг тирикмасига бориб урилади. Натижада мотоцикл ҳайдовчиси ва унинг йўловчиси Х. Холбеков ва Х. Исматовлар воқеа жойида ҳалок бўлишади.

Кези келганда, мисоллардаги мотоцикл ҳайдовчиларининг ота-оналари, яқинлари, унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси борми-йўқми, мотоцикл техник созми, қоидаларни биладими, бошқаришга кучи етадими, тунда қаёққа кетаётгани билан қизиқмаганини таъкидлаш лозим. Албатта, ҳозир фарзанди догида куйиб-ёнаётган ота-оналарнинг яраларига туз сепмоқчи эмасмиз. Фақат ўғилларида мотоцикл бўлган оилаларнинг бундай фожиаларни такрорламасликлари, унга йўл қўймасликлари учун зарур чора-тадбирлар кўришларини истардик.

М. ИБРОҲИМОВА,
ИИВ ДАНБ катта нозири,
милиция капитани

Футбол — миллионлар севган ўйин

«НАВБАҲОР» ЧЕМПИОН БЎЛАДИМИ?

Аслида ушбу сарлавҳани қўйиш мавриди ҳали келганича йўқ. Зотан, «Навбаҳор» жамоасининг миллий биринчилигимиз ғолиби сифатида олтин медалларга сазовор бўлишига роппа-роса уч тур бор. Бу уч тур ҳали қандай воқеаларга бой бўлади, буни ҳам сабрсизлик билан кутишимиз зарур. Чунки, «Навбаҳор»ни МҲСК, «Трактор», «Янгиер» каби жамоалар ҳам синовидан ўтказишни орзиқиб кутишмоқда. Шунга қарамай, ҳозирданоқ наманганликларни ғалаба билан қутлашимиз мумкин. Авваллари медаллар учун курашаётган жамоалар «Пахтакор» билан хайиқиброқ майдонга тушарди. Биринчи ўрин учун асосий даъвогар «Динамо» (К) ми, ёки олтин медални нақд қилиб қўйишга 2 очко етмай турган «Спартак»ми, барибир «Пахтакор»дан, тўғрироғи, Тошкентдаги уйиндан қўрқишарди. Энди-чи?.. Миллий чемпионатимизда ҳам медалга интилаётган команда, хоҳ у «Нефтчи», хоҳ «Навбаҳор» бўлсин, юрагига титроқ соладиган жамоага муҳтож эдик. У топилди.

Яқиндагина «Навбаҳор» Андижонда муҳим очколарни йўқотгани барча наманганликларга тасодиф туюлган бўлса, «Нефтчи» мухлислари учун у жамоанинг олтин медаль баҳсидаги муваффақиятига умид уйғотган эди. Аммо уларнинг умидлари пучга чиқди, мухлислар ўз кўзларига ишонмай қолишди. Аҳир яқиндагина «Динамо»(У) ни 6:0 ҳисобига енгиб, уни олий лигадан тушириб юборган «Нефтчи» «Навруза» 0:1 ҳисобида бой беради, деб ким ўйлабди дейсиз. Лекин шундай бўлди. Охирги дақиқаларда (86) Абдуқодиров киритган тўп «Нефтчи»га жуда қимматга тушди. «Навбаҳор»ни бироз хафа қилган «Навруз» бугун роса хурсанд қилди. «Навбаҳор» салкам ЧЕМПИОН!

Энди «Нефтчи» учун фақат кубок мусобақаларидагина умид қолди, холос. Лекин у ерда ҳам «Атласчи»ни 4:3, «Нурафшон»ни 2:1 ҳисобида енгган «Дустлик» осонликча таслим бўлмаса керак. МҲСК ва «Пахтакор» эса аввалдан кубокка ҳаракат қилганидан, «Нефтчи» «Дустлик»ни енгса ҳам финал қийин кечишига шубҳа йўқ.

Хуллас, футболимизда «Навруз» янги кун ясаганиғи, «Пахтакор» икки бор МҲСКга меҳмон бўлганини ҳисобламаса, айтарли ўзгариш йўқ. Фақат кейинги турлардаги уйинларни диққат билан кузатиш қолди холос. Ким билади, бугун Фарғона орзиқиб кутаётган «муъжиза» ҳали ҳам юз бериб қолиши мумкин!

XXYII турнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: «Косонсой» — «Янгиер» — 1:0, «Динамо» (У) — «Нурафшон» — 3:0, «Суғдиёна» — «Динамо» (С) — 1:1, «Пахтакор» — МҲСК — 0:1, «АСК» — «Трактор» — 1:1, «Навбаҳор» — «Машъал» — 5:0, «Дўстлик» — «Атласчи» — 4:3.



Таржимаи ҳоли:
Туғилган куни: 9 июль 1964 йил
Туғилган жойи: Кремоне шаҳри
Бўйи: 180 см.
Оғирлиги: 77 кг.
Профессионал футболдаги илк иштироки: 1980 йил «Кремонезе» (Италия)
Майдондаги жойи: ҳужум, баъзида ярим ҳимоя.
Меҳнат фаолияти. 1980—1984 «Кремонезе» Кремоне (1984—1992) Самп-дория «Генуия»
(1992—1996) Ювентус Турин
1996 йилдан бошлаб «Челси» Лондон.
1991—1995 йил Италия чемпиони
1985, 1988, 1989, 1995—Италия кубоги совриндори.
1996 йил — Европа чемпионлари кубоги совриндори.
1990 — Кубок эгалари кубоги совриндори.
1993—УЕФА кубоги эгаси.
Миллий терма жамоада 59 ўйин ўтказиб, 16 тўп муаллифи бўлган.

Футбол юлдузлари

Жанлука ВИАЛИ:

«БАЛАНДЛИККА ИНТИЛГИМ КЕЛАР»

Аслида юқоридаги рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин. Чунончи, мутахассисларнинг фикрича Виали Италия тарихидаги энг омадли ҳужумчи ҳисобланади. Ҳатто Паоло Росси ҳам унга бу борада бас кела олмайди. Унинг юлдузи кўп йиллар ўчмас машъалага ўхшайди. Жаҳонда энг кучли биринчилик ҳисобланган Италия лигасини тарк этиб, футбол Ватани Англияга равона бўлган бўлсада у ҳанузгача Италиянинг сўнмас юлдузидир. Бу борада унинг фикричи?!

— Албатта юлдузман, — дейди донгдор футболчи, — сизнингча юлдуз бўлиш осонми?! Катта меҳнатим, тинимсиз машғулотларим маҳсули бу, албатта.

— Сиз одамларда нимани қадрлайсиз?

— Ишонч, соддалик ва албатта, тоза кўнгиллиликни.

— Сизнингча бахт нима?

— Бахт — бу ҳаётдан, меҳнатингдан завқланиш, ўзингни намоён қила олиш.

— Сиз учун ҳар бир дарвозага йўналтирилган тўпнинг аҳамияти қандай?

— Биласизми, ёш болани ҳайвонот боғига олиб кирганингизда панда, кенгуру каби ўз теварак-атрофида учрамайдиган жониворларни кўрганда унга муъжиза каби тикилади. Мен учун ҳам, ҳар бир гол ана шундай муъжиза.

— Нега энди?

— Замонавий футбол борган сари ўйинчиларнинг эмас, мураббийларнинг кескин беллашувига айланиб боряпти. Эндиликда биринчи ўринда техника эмас, услубият турибди. Бундай ҳолатда тўп киритиш ҳам жуда мураккаб вазифа.

— Европа лигаси чемпиони, жаҳоннинг энг кучли жамоаларидан ҳисобланадиган «Ювентус»ни нега Англиянинг ўртамиёна «Челси» жамоасига алмаштирдингиз? Устига устак Италия чемпионати Англиядагидан ҳар томонлама устун-ку!..

— Саволингизнинг иккинчи қисмида сиз ҳақсиз. Англия бу борада Италияга етиб келишига кўп йиллар керак. Лекин, мен азалдан тўпни бошим билан дарвозага киритишни хуш кўрар эдим. Ҳатто сочим ҳалақит бермасин деб, уни тагидан олдириб ташлаганман. Италияда бундай уйин кўрсатишнинг иложи камроқ. У ерда юксак маҳорат ва жамоа билан уйин кўрсатиш зарур. Буюк Британияда эса бу борада осонроқ. Асосан, тўп узоқдан қанотларга узатилади. Қанотдан эса баландлатиб, марказга йўналтирилади. У ёғи бош билан дарвозани нишонга олиш ҳужумчиларнинг асосий вазифасига айланади. Мен учун ҳам, баландликка интилиш ўзига хос жозибадорлик бахш этади.

— Сўнгги йилларда Италияни кўплаб юлдузлар тарк этяпти. Хорижликларни тушуниш мумкиндир, лекин айнан италияликларнинг бу борадаги ҳаракатлари тушунарсиздир...

— Нега энди?! Тўғри, Гуллит, Жинола, Кантона каби юлдузлардир. Лекин, Веа, Дешам, Бокшич, Стоичков, Савичевич, Соуза, Фонсека каби кўплаб жаҳон футболининг катта усталари Италияда тўп суриши у ердаги биринчиликнинг бугунги мавқе ниҳоятда юксаклигидан далолат беради. Агар Италияни тарк этган италияликлар ҳақида сўз юритсак, фақат мен билан Фабрицио Раванелли Англияда тўп суряпмиз. Биз эса бошқа шароитда ўзимизнинг маҳоратимизни оширишни мақсад қилганмиз.

— Футболдан бошқа қизиқишларингиз ҳақида сўз юритсак...

— Менми, қимматбаҳо соатлар йиғишни, компьютер ўйинлари билан соатлаб машғул бўлишни хуш кўраман.

— Автомобиллардан-чи?

— «Гранд Чероки»ни минишни яхши кўраман.

— Сизда автомобиллар-нинг бошқа хиллари ҳам мавжуд-ку.

— Ҳа, «Феррари», «Ланго», «Фиал Упо турбо»лари ҳам бор. Лекин уларнинг биронтаси ҳам «Гранд Чероки»га яқин келмайди.

— Уй масаласида-чи?

— Ҳозирча; «Челси» жамоаси менга ўз қарорғоҳидан жой ажратган. Лекин, Италияда бу борада муаммо йўқ. Туриннинг тарихий марказида виллам, Кремонада ва Генуя ёнбағридаги Нерви деб аталмиш манзарали жойда ўз уйим бор.

— Футболдаги фаолиятингиз якунлангач нима билан шуғулланмоқчисиз?

— Билмадим. Футбол ҳаками бўлсам керак.

ДУШАНБА, 21

I
Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 21 октябрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «Иҳҳор».
18.50 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Темурнома».**
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 1-қисм.
22.00 **«Мозийдан садо».**
22.15 Диққат, премьера: А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 2-қисм.
22.55 «Олам ва одам».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Морена Клара». Телесериал.
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».
III
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Бир ўлка-ки».
8.55 «Саодатли сайёралар». Кинодастур.
9.40 «Бозор иқтисодиёти асослари». Иқтисодий шарҳ.
10.00 Янгиликлар.
10.05 **Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига**. С. Пўлатов. **«Оқ сарой»**. Шаҳрисабз халқ театрининг спектакли.
11.55 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
12.25 «Қўғирчоқ, «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильмлар.
12.45 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.15 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона).
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кабутарларим». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
*
18.10 — 20.35
*
20.35 «Ўрмон манзаралари», «Беллашув». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Умид».
19.35 «Чинор».
20.05 «Жаҳон».
20.25 Эълонлар.
20.30 Мультфильм.
20.40 «Чироқ».
20.50 «Шлягер».
21.05 Авторейд.
21.15 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.25 «Аёл».
21.55 «5+1». Хит-парад.
22.25 Тунги сеанс. «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Спорт-тайм».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 1-қисм.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 **Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига**. «Маънавият булоқлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 2-қисм.
10.45 «Барака ёмғири». Мультфильм.
10.55 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
11.25 Инглиз тили.
11.55 «Ўран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек қўғирчоқлари концерти.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Доно бобо даврасида».
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Темурнома».**
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон»**. Видеофильм. 1-қисм.
22.00 «Оҳанглардан таралган меҳр».
22.20 «Замон».
22.30 «Спорт, спорт, спорт».
22.45 «Тафаккур».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 АРТ-журнал.
21.15 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.10 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тулки». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Телефильм (Япония).
19.30 «Она».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Эллада».
21.20 «Каталог».
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Туманлардан ҳоли Британия».
22.10 «Эколот-коктейль».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Компьютер-ревю».
23.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

ЎЗБЕКИСТОН ОЙНАИ ЖАҲОНИДА

18.55 Туркия телевидениеси намойиш этади: **«Ассалом, Соҳибқирон!».**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Темурнома».**
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 2-қисм.
22.10 «Оҳанглар оғушида».
22.25 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 **«Соғлом авлод учун».** Темурийлар тарбиясининг бугунги авлод учун аҳамияти.
00.20 Тунги тароналар.
00.30—00.40 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 Компьютер-Осиё.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.25—00.05 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хива гиламлари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.35
*
20.35 Шарқ қўшиқлари.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Бизнес мирас» (татар тилида).
19.35 «Юлдузлар жилоси».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Ер сайёраси». БМТ юбилейига бағишланади.
20.35 «Тошкент оқшомлари».
21.05 «Мархабо».
21.35 «ТВ IV канали эксклюзиви».
22.05 «Таширфлар ва таклифлар».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 Эълонлар.
23.00 Қалб тароналари.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.40 «Ҳайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 24

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 2-қисм.
9.15 «Бир шаҳар бор дунёда...»
9.35 «Биз Сиз билан».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Довюрак рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
11.30 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбллларнинг телефестивали.
11.55 «Фарзанд — умид юлдузи». Тележурнал.
12.25 Эстрада тароналари.
12.55 «Маънавият» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.35 **«Маърифатнома».**
19.10 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Бир қўшиқ ва бир ҳикоя. **«Темур бобо».** Комилжон Баротов ижро этган.
21.45 **«Темурнома».**
22.00 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 3-қисм.
22.40 «Тараддуд».
22.55 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
23.15 Бир жуфт қўшиқ.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Навбаҳор».
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Камертон».
18.45 «Уфқлар». 1-қисм. Муқаддима.
19.05 «Манбалар». 1-қисм. Самарқанддан видеофильм.
19.15 «Олтин кент».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Уфқлар». 2-қисм. «Йўл қийин эди».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Манбалар». 2-қисм. Самарқанддан видеофильм.
21.10 «Уфқлар». 3-қисм.
21.30 «Олтин кент».
21.40 «Курьер». Махсус сони.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40—00.20 «Кинонигоҳ».
III
17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Нафосат оламида». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.05 — 20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Телефильм (Япония).
19.30 «Она».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Эллада».
21.20 «Каталог».
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Туманлардан ҳоли Британия».
22.10 «Эколот-коктейль».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Компьютер-ревю».
23.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.10 — 00.20 «Ҳайрли тун!».

ЖУМА, 25

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 3-қисм.
9.05 Кекса санъаткорлар концерти.
9.30 «Аёл бағи, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
10.25 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
11.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: **«Амир Темур дурдоналари».**
11.35 ЎзТВ хазинасидан. Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Нурафшон».
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.20 **«Озодлик ва Амир Темур».** Видеоклип.
18.30 **«Йигит омон бўлса...».** Аскарлар ҳақидаги Темур таълимотининг бугунги кундаги аҳамияти.
18.50 Табрик.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.15 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
20.50 **«Озодлик ва Амир Темур».** Видеоклип.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эълонлар.
21.30 **«Темурнома».**
21.45 Табрик.
21.55 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 4-қисм.
22.35 **«Хуш келибсиз!»** Темур юбилейига келган хорижий меҳмонлар билан учрашув.
23.00 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
00.30 «Эртага — шанба». Махсус сони.
00.55 Эстрада, эстрада, эстрада...
01.25—01.35 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Ғўзалликда таҳо Ватаним!»
9.25 «Ешлик, сени ким севмаган».
9.35 «Беш қалқа олқишлари».
9.40 «Бир қўлингда қиличинг бўлсин!»
9.50 «Бир қўлингда иймонинг бўлсин!»
10.00 «Беш қалқа олқишлари».
10.05 Мулоҳаза учун мавзу.
10.25 Дилором наволар.
10.35 «Турон — аждодлар мероси».
10.40 «Таманно».
10.50 Табиат шифохонаси.
11.00 Видео янгиликлари.
11.20 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.20 «Бор эканда, йўқ экан...» Тарихий мультфильм.
18.30 «Кинохроника». Ф. Ҳўжаев.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.15 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
20.50 **«Темур ҳикматлари».** Видеоклип.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Сиздан ишорат...». Ўзбек классик мусиқаси.
22.00 **«Камолот»** (Амир Темур мероси).
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00—23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Аттракцион» мамлакатига саёҳат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.15 — 20.35
*
20.35 «Мусиқа — ҳамма учун».
21.00 «Мактуб». Телесериал. 3-серия.
21.50 «Шаҳрисабз». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Уй остонадан бошланади».
19.15 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
20.50 **«Қоинот».** Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланади.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Замандас».
22.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Рангинкамон».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 26

I
«АССАЛОМ, СОҲИБҚИРОН!» Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган узлуксиз телекўрсатувлар соат 6.30 дан бошланади.
II
Соат 6.30 дан ЎзТВ I дастури кўрсатувларини тинглаб, томоша қиласиз.
III
17.15 Дастурнинг очилиши.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Мактуб». Телесериал. 4-серия.
*
Россия давлат телевидениеси
22.30 «Вести».
*
23.00 — 23.10 «Оловда тобланган темир». Телефильм.
IV
9.00 «Шанба эртаги».
10.00 Эълонлар.
10.05 «Спектаклдан сўнг».
10.30 «Польша билан учрашув». «Юнус дарования Узбекистана» оркестри.
10.55 «Клип-танаффус».
11.00 «Италия вернисажи», Милан (такрор.).
11.20 Кинонинг олтин асри. «Уч юз спартанликлар». Бадиий фильм.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Олам ва одам».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Рақслар қанотида».
21.00 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Бу ажиб дунё».
21.20 «Тақдирлар». Қориёқубов.
21.50 «Жилет-спорт».
22.20 **«Адабий театр».** Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланади.
22.30 Кинонинг олтин асри. «Графиня Коссель». 1-серия (Польша).
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 5-қисм.
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.05 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.05 «Ўйнаймиз-у ўйлаймиз!».
11.45 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 13-кўй.
12.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.55 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
13.55—14.25 «Пойтахт концерт залларида».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги муҳжизалар ёки...»
18.20 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Табаррук қадамжолар». 4-кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 6-қисм.
22.05 «Шаҳс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 14-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тим